Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: RW45840673

**Нашр маҳсулоти обунасини ташкил этиш ва етказиш тўғрисида**

**Ш А Р Т Н О М А № 171**

**2022 йил "26" январ** **Гурлан тумани**

Бир томондан Низом асосида иш юритувчи «Гурлан ҳаёти" газетаси таҳририяти муҳаррир Абдуллаев Фарҳод (куйида «Таъминотчи»), иккинчи томондан Низом асосида иш юритувчи Гурла туман СЭО ва ЖСХ бўлими" Халметов Шавкат Юлдашевич раҳбари низом асосида иш юритувч (куйида "Буюртмачи") ўртасида куйидагилар тўғрисида ушбу шартнома тузилди:

**1. Шартнома мазмуни.**

1. Ҳамкорликда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ушбу шартноманинг асосий мазмуни ҳисобланади.

| Нашр индекси | Нашр номи | Формати | Ойлар | Обуна баҳоси | обуна сони | Жами обуна баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 8005 | "Гурлан ҳаёти" газетаси | А-2 | 12 | 223000 | 14 | 3122000 |
| 8005 | "Гурлан ҳаёти" газетаси | А-2 | 12 | 200000 | 14 | 2800000 |
| | Жами | | | | | 5922000 |

Сумма сўз билан: Беш миллион тўққиз юз йигирма икки минг сўм.

**2. Томонларнинг мажбуриятлари**

2."Таъминотчи" "Буюртмачи" манзилигача «Гурлан ҳаёти» (1 йилда 24 та сон) газетасини обуначига етказиб беради.

**3. Маҳсулотни етказиб бериш**

3."Таъминотчи" газеталарни босмахонадан чиққан кунлари "Буюртмачи"га етказиб беради.

**4. Маҳсулотни сони ва сифати бўйича қабул қилиш**

4.1.Маҳсулот "Буюртмачи" томонидан унинг сони ва сифатига қараб қабул қилинади.

4.2.Маҳсулот "Буюртмачи" томонидан қабул қилиниши жараёнида сон жиҳатидан кам ёки сифат жиҳатидан "Буюртмачи"ни қониқтирмаса, ўша жойнинг ўзида икки томонлама далолатнома тузилади ва томонлар вакиллари иштирокида имзоланади.

4.3.Икки томонлама тузилажак далолатномада аниқланган камчилик аниқ кўрсатилади.

4.4.Икки томонлама далолатнома томонлар вакиллари имзолангандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

**5. Асосий шартлар**

5.1.Томонлар газеталарни обуначиларга ўз вақтида етиб боришини назорат қилиш ҳуқуқига эга.

5.2."Таъминотчи" газеталарни "Буюртмачи" томонидан бош ишончномага асосан газеталарни қабул қилиб олиш мумкин бўлган вакилга тақдим этади.

5.3. "Таъминотчи" газета саҳифаларида "Буюртмачи" томонидан тақдим этилган материалларни-мақола, эълон ва рекламалар ҳамда бошқа хизматларни ўзаро келишув асосида ёритилишини таъминлайди.

## 6. Ўзаро ҳисоб-китоб

6.1. "Буюртмачи" томонидан берилган буюртма ва маълумотдаги обуна бўйича умумий маблағнинг 100% ни олдиндан "Таъминотчи" ҳисоб рақамига ўтказиши керак.

6.2. Якуний ҳисоб-китоблар томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб далолатномасига асосан амалга оширилади.

## 7. Томонлар масъулияти

7.1.Томонлар ўзаро келишилган мажбуриятларни бажаришда бир-бирига масъулиятни олади.

7.2.Ушбу шартномага асосан томонлар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар келиб чиқса, келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

## 8. Томонларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари

4.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

4.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

4.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан окилона чоралар киради.

4.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

4.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказиш битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатнома ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки улар манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назор остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсл (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибютер ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилла нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупция ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақ кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;
- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун восит сифатида фойдаланмаслик;
- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги иш чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;
- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгилан ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

4.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳара қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгилан мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун ула тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

4.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўши шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабар қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликла бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу та шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тў қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 9. Томонларнинг жавобгарлиги

9.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етка берилмаган ҳолларда, “Таъминотчи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбур бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умум суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пен тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатлар кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан о этмайди.

9.2.Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртма Таъминотчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фо миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдор пеня тўлайди.

## 10. Форс-мажор

10.1.Томонлар шартнома шартларини бажариш жараёнида юзага келадиган форс-ма ҳолатида жавобгарликдан озод қилинадилар.

10.2.Форс-мажор ҳолатлари: табиий офатлар, ёнғин, ҳарбий ҳолатлар, давлат органл томонидан янги қонунчиликнинг жорий этилиши ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатл

## 11. Шартнома муддати ва унга ўзгартиришлар киритиш тартиби

11.1.Ушбу шартнома икки томон имзолагандан бошлаб юридик кучга эга бўлади ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариб бўлгунча амал қилади.

11.2.Шартнома бир томонлама бекор қилиниши мумкин эмас.

11.3.Шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар икки томон имзолагандан сўнг юридик кучга эга бўлади ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

11.4.Томонлар шартномага киритиладиган қўшимча ва ўзгаришлар бўйича таклифларни 10 кун ичида кўриб чиқиб, иккинчи томонга жавоб қайтаради.

11.5.Ушбу шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар юзага келганда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя қилади.

11.6.Шартнома 2022 йил 31 декабргача ҳақиқий ҳисобланади.

11.7.Шартнома икки нусхада тузилиб, томонларда биттадан сақланади, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

## 12. Томонларнинг реквизитлари

**«Таъминотчи»**

"Гурлан ҳаёти" газетаси таҳририяти
Гурлан туман П.Маҳмуд-73а уй
х\р 20210000000433770001
Агро банк Гурлан филиали
МФО-00554; ИНН: 201137732
ИФУТ: 87100
Тел: 36-54-164; 94-233-61-17

Муҳаррир: __________ Ф.Абдуллаев

**«Буюртмачи»**

Гурлан туман СЭО ва ЖСХ
401422860332087074110054001
ИНН:201137717
Молия вазирлиги Газначилиги
Х/Р:23402000300100001010
ИНН:201122919,МФО:00014
Марказий банк Тошкент ш
Тел:

Раҳбар: __________ Ш.Ю.Халметов

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: BG33100300032

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma.

2. **Loyihaning nomi:** Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmati Gurlan tuman bo'limi nomidan nizom asosida faoliyat yurituvchi rahbar Xalmetov Shavkat Yuldashevich (Buyurtmachi) bir tomondan va "Gurlan hayoti" gazetasi tahririyati nomidan nizom asosida ish yurituvchi muharrir Abdullayev Farhod (Ta'minotchi) boshqa tomondan nashr mahsuloti obunasini tashkil etish va yetkazish to'g'risida №171 sonli shartnoma.

3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Gurlan tuman SEO va JSX bo'limi tomonidan 2022-yil 26-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq holda ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Gurlan tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:**

**Sh.Po'latov**
28.01.2022-yil